



**THE CONCEPT OF THE CRIME OF VIOLATING THE
PROCEDURE FOR INSPECTING THE ACTIVITIES OF
BUSINESS ENTITIES AND AUDITING FINANCIAL AND
ECONOMIC ACTIVITIES AND THE SOCIAL NECESSITY OF
ESTABLISHING LIABILITY**

Saipova Javlona Bovaqulovich

Republic of Uzbekistan Law Enforcement Academy

"Direction of Prosecutorial Activity" 2nd year master's student

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17840972>

ARTICLE INFO

Received: 28th November 2025

Accepted: 04th December 2025

Online: 05th December 2025

KEYWORDS

*Destruction, liability, necessity,
entrepreneurship, entities,
activity, inspection, revision,
violation of order, financial and
economic.*

ABSTRACT

This article analyzes issues related to the concept of the crime of violating the procedure for inspecting the activities of business entities and auditing financial and economic activities, as well as the social necessity of establishing liability.

**ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ В ВИДЕ НАРУШЕНИЯ ПОРЯДКА
ПРОВЕДЕНИЯ ПРОВЕРОК И РЕВИЗИЙ ФИНАНСОВО-
ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ
УСТАНОВЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ**

Соипова Жавлона Бовокуловича

Республики Узбекистан Академия правоохранительных органов

"Направление прокурорской деятельности" магистрант 2-го курса

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17840972>

ARTICLE INFO

Received: 28th November 2025

Accepted: 04th December 2025

Online: 05th December 2025

KEYWORDS

*Снос, ответственность,
необходимость,
предпринимательство,
субъекты, деятельность,
проверка, ревизия, нарушение
порядка, финансово-
хозяйственный.*

ABSTRACT

В данной статье анализируются вопросы, связанные с понятием преступления нарушения порядка проведения проверок и ревизий финансово-хозяйственной деятельности субъектов предпринимательства и социальной необходимостью установления ответственности.

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ
ВА МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАФТИШ ҚИЛИШ
ТАРТИБИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА
ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ**

Соипов Жавлон Бовокулович



Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
“Прокурорлик фаолияти йўналиши” 2-курс магистратура тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17840972>

ARTICLE INFO

Received: 28th November 2025

Accepted: 04th December 2025

Online: 05th December 2025

KEYWORDS

Бузиш, жавобгарлик, зарурат, тадбиркорлик, субъектлар, фаолият, текшириш, тафтиш қилиш, тартибини бузиш, молия-хўжалик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятининг тушунчаси ва жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Биз биламизки, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан мамлакатни ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш ва шу орқали мулк ҳуқуқларининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкрий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги ПФ-4848-сонли, 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги ПФ-4850-сонли, 2018 йил 11 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги ПФ-5409-сонли, 2025 йил 14 февралдаги ПФ-22-сонли “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармон. <https://lex.uz/docs/3039311>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3050491?twolang=1>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3676955>



молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли, 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли, 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли, 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-374-сонли, 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-39-сонли Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сонли “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵гилари қарорларида ҳам тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хужалик фаолиятини тафтиш қилишнинг ҳуқуқий механизмлари бериб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрь кунда қабул қилинган “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁶ги ПФ-184-сон Фармони ҳам айтиб ўтишимиз лозим.

Фармоннинг асосий мақсади тадбиркорлар билан очиқ мулоқот доирасида келиб тушган 12 мингта мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларни ҳал этиш, таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш, очиқ мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-33-сонли Қарори ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, Конституцияда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳуқуқи мулкдорга тегишли мол-мулк билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аҳолининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари дахлсизлигини кафолатлаш ҳам халқимиз, ҳам ҳаёт зарурати ҳисобланади.

Жумладан, Янги таҳрирдаги Конституциянинг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПФ-22-сонли “Томорка ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/7388132>

⁵ <https://lex.uz/acts/6242542>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁶ги ПФ-184-сон Фармони <https://lex.uz/uz/docs/7231780?ONDATE=01.04.2025%2000>



ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас⁷, деб бериб ўтилган.

Шулардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хужалик фаолиятини тафтиш қилиш тушунчаси ва унинг ўзга хос жиҳатларига тўхталиб ўтаемиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида таъкидланишича, “Текшириш — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши”⁷дир.

Бошқача қилиб айтганда, текшириш – бу давлат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини нормативҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини ўрганиш жараёнидир. Яъни, текшириш жараёнида молиявий ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш, солиқ, давлат статистика органлари ҳамда банкларга бериладиган ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатлари ўрганилади.

Текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган вазирликлар ва идоралар назорат қилувчи органлар бўлиши мумкин. Ҳар бир назорат қилувчи орган ўз ваколатлари доирасида ўзининг назорат функцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Унинг функциялари ва ваколатлари тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон қонунчилигида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солишга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ–328-сон Қонунининг 34-моддасига кўра, “Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/28144>



бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиб ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиб, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиб тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашиб ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁸, деб берилган.

1996 йилдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиб йўл қўймаслик мақсадида мамлакатда давлат органлари томонидан юридик шахслар фаолиятини текширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тадбиркорлик фаолияти

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ–328-сон Қонуни. <https://lex.uz/acts/2006789>



(тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятidir⁹, деб берилган.

Шунингдек, юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча давлат кафолатлари бирлаштирилди. Мантиқ бўйича барча юридик шахслар тижорат мақсадлари туфайли хўжалик юритувчи субъект тоифасига киради, ва шунга кўра улар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши даврида уларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга оид қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

Бироқ, тадбиркорлик фаолияти соҳасида қатор тизимли муаммолар мавжудки, уларнинг аксарияти тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кафолатли таъминлаш борасида назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа давлат органи ёки давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда.

Хусусий мулк ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларига бўлган ёндашувнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги назорат органлари ва қонунга итоаткор тадбиркорлар ўртасида ишончли ҳамкорлик ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса замон талабларига жавоб бера олмайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқ, бошқа мажбурий тўлов, пеня ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сунъий йўл билан йиғилиб боришига ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз, ортиқча назорат функциялари амал қилаётганлигида кўринад. Ушбу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ қилмишларнинг криминализация қилиниши ўз вақтида ижтимоий зарурат сифатида етилганлигини кўрсатади.

Қайд этиш керакки, 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилиниши ҳамда унинг асосида 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан ЖКнинг “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ–328-сон Қонуни. <https://lex.uz/acts/2006789>



хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” номли XIII¹ боб билан тўлдирилиши бу соҳада янги босқични бошлаб берган.

ЖКга киритилган янги XIII¹ бобда қонун чиқарувчи тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар ва хўжалик юритувчи субъектлар хуқуқ ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи бошқа жиноят Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ–328-сон Қонунининг 3-м.да “тадбиркорлик фаолияти” тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти эканлиги, тадбиркорлик фаолияти субъектлари эса белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар¹⁰ эканлиги белгиланган. Қонунда тадбиркорлик субъектларининг кичик, яқка тартибдаги, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятлари ҳам фарқланади.

Шунга кўра сўз юритилаётган қилмишлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда қонунга мувофиқ амалга ошириладиган, таваккалчилик ва мулккий жавобгарлик остида даромад олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Юқорида келтирилган таснифлар кўра ушбу тадқиқотда тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив томон белгисига кўра шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар.

Бундан ташқари, содир этилиш усули ва жиноят таркибининг объектив томон белгиларига кўра тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар – хусусий мулк хуқуқини бузиш (192¹-м.) тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (192⁴-м.), лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (192⁵-м.), имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш (192⁶-м.);

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ– 328-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 598-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда



тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар – тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (192²-м.), тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш (192³-м.), тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш (192⁸-м.) каби қилмишларда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192²-моддасида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик берилган бўлиб, унга асосан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тадбиркорлик субъектларини жиноят-ҳуқуқий механизмлар воситасида муҳофаза қилиш тенденцияси тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш кўрсаткичларини ошириш, инвестициявий жозибадорликни таъминлашда тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланишига олиб келмоқда.